

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 927-ҳадис

927 - عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُوعَلُ، فَمَسِسْتُهُ، فَقُلْتُ: إِنَّكَ لَتُوعَلُ وَعْكًا شَدِيدًا، فَقَالَ: «أَجَلُ، إِنِّي أُوعَلُ كَمَا يُوعَلُ رَجُلًا نِنْكُمْ». مُتَّفِقٌ عَلَيْهِ.

927. Абдуллоҳ ибн Маъсуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирсам, у зот иситмалаётган эканлар. Мен у зотга қўлимни теккизиб кўриб, «Сиз жуда қаттиқ иситмалар экансиз-а?» дедим. У зот: «Ҳа, шундай. Мен сизлардан икки киши иситмалагандай (иситмалайман)», дедилар.

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Ҳадиснинг давомида қуидаги қўшимча бор.

«Бу сизга икки баробар ажр борлиги учунми?» дедим. «Ҳа, шундай», дедилар. Сўнгра: «Бирор мусулмонга касаллик ёки бошқа нарса сабабли азият етса, Аллоҳ шу сабабдан унинг гуноҳларини худди дараҳт ўз баргларини тўkkанидек тўкиб юборади», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беморликни қандоқ бошларидан ўтказишлари ўз кўзлари билан кўрган саҳобий Абдуллоҳ ибн Маъсуд розияллоҳу анҳу томонларидан ривоят қилинмоқда. Худди шу ҳадиси шарифга ишора қилиб илмли кишилар бемор бўлиб қолсалар, гуноҳларимиз кўпайиб қолгандир, ажаб эмас, шу хасталик или ювилиб кетса, дейдилар. Ҳа, беморликни ҳам Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларига гуноҳларни ювиш учун қулай фурсат қилиб берган. Фақатгина улар бу қулай фурсатдан тўғри фойдалана билишлари керак. Бунинг учун эса, bemor бўлганларида сабр қилиб, bemорлик одобларини ўрнига қўймоқлари лозим. Бу ишда уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васаллам ўрнакдирлар. Бошқаларга нисбатан bemorlikни икки ҳисса оғир кечирсалар ҳам сабр қилиб, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор ҳолда bemorlikни кечиргандар.

Манба: hadis.islom.uz

